

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК
ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ № 10-01/057110001249**

2022 йил “10” январь

Тошкент ш.

“Ўзагросуғурта” АЖ Устави асосида фаолият юритувчи, кейинги ўринларда “Суғурталовчи” деб аталадиган “Ўзагросуғурта” АЖ номидан 2021 йил “04” январдаги №05-06/5Ф-1-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Тошкент шаҳар филиали “Пойтахт” суғурта маркази бошқарувчи менежери С Б Очилов бир тарафдан, *Тас суғурта саноати УЎБ* номидан 20__ йил “__” ____ даги ____ -сонли ____ асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда “Суғурта қилдирувчи” деб юритиладиган *суғурта пули* *Ушманов* *С.С.* иккинчи тарафдан қуйидаги шартлар асосида мазкур суғурта шартномасини туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига мазкур шартноманинги №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситалари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2019 йил 16 мартдаги 222-сонли Қарори асосида суғурта хизмати кўрсатади.

1.2. Суғурталовчи мазкур шартномада шартлашилган суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўлиқ тўланганидан сўнг суғурта полисининг амал қилиш муддатида суғурта ходисаси содир бўлганда шартнома (суғурта полиси) да белгиланган суғурта пули доирасида Суғурта қилдирувчига суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

2. СУҒУРТА ОБЪЕКТИ

2.1. Мазкур шартноманинги №1 Иловасида кўрсатилган транспорт воситаларидан фойдаланишда транспорт воситалари эгалари (суғурта қилдирувчи)нинг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулккий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

3. СУҒУРТА ПУЛИ

3.1. Суғурта пули Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида”ги 222-сонли қарори билан белгиланади ва мазкур шартноманинги №1 Иловасида қайд этилган ҳар бир транспорт воситаси бўйича бериладиган суғурта полисларида кўрсатилади.

3.2. **Жами суғурта пули 80 000 000,00 (Саксон миллион) сўм 00 тийинни ташкил этди.**

4. СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 мартдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 222-сонли Қарорига асосан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (кейинги матнларда “Суғурталаш қоидалари” деб юритилади)